

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
HUZURIDAGI ILMY DARAJALAR BERUVCHI
DSc.03/27.09.2024.Tar.72.07 RAQAMLI ILMY KENGASH

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

ZOKIROV BOBIR CHORIYEVICH

BUXORO XALQ SOVET RESPUBLIKASIDA SUD-HUQUQ TIZIMI
VA NAZORAT ORGANLARI FAOLIYATI TARIXI (1920–1924 yy.)

07.00.01 – O‘zbekiston tarixi

TARIX fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi
AVTOREFERATI

Buxoro – 2024

**Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
dissertatsiyasi avtoreferati mundarijasi**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
historical sciences**

Zokirov Bobir Choriyevich

Buxoro Xalq Sovet Respublikasida sud-huquq tizimi va nazorat organlari faoliyati tarixi (1920 – 1924 yu.).....3

Зокиров Бобир Чориевич

История судебно-правовой системы и надзорных органов в Бухарской Народной Советской Республике (1920 – 1924 гг.).....25

Zokirov Bobir Chorievich

History of the judicial system and control bodies in the Bukhara People’s Soviet Republic (1920 – 1924).....47

E‘lon qilingan ishlar ro‘yxati

Список опубликованных работ
List of published works.....51

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
HUZURIDAGI ILMY DARAJALAR BERUVCHI
DSc.03/27.09.2024.Tar.72.07 RAQAMLI ILMY KENGASH

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

ZOKIROV BOBIR CHORIYEVICH

**BUXORO XALQ SOVET RESPUBLIKASIDA SUD-HUQUQ TIZIMI
VA NAZORAT ORGANLARI FAOLIYATI TARIXI (1920 – 1924 yy.)**

07.00.01 – O‘zbekiston tarixi

**TARIX fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi
AVTOREFERATI**

Falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi mavzusi O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasida B2022.4.PhD/Tar1223 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Dissertatsiya Buxoro davlat universitetida bajarilgan.

Dissertatsiya avtoreferati uch tilda (o‘zbek, rus, ingliz (rezyume) Ilmiy kengash veb-sahifasida (www.buxdu.uz) va “ZiyoNET” axborot-ta’lim portali (www.ziynet.uz) manzillariga joylashtirilgan.

Ilmiy rahbar:

Rashidov Oybek Rasulovich
tarix fanlari doktori (DSc), professor

Rasmiy opponentlar:

Tursunov Ravshan Normuratovich
tarix fanlari doktori (DSc), dotsent

Kamolov Dilshod Po‘lotovich
tarix fanlari doktori (DSc), professor

Yetakchi tashkilot:

Urganch davlat universiteti

Dissertatsiya himoyasi Buxoro davlat universiteti huzuridagi ilmiy darajalar beruvchi DSc.03/27.09.2024.Tar.72.07 raqamli Ilmiy kengashning 2025-yil “7” yanvar soat 12 dagi majlisida bo‘lib o‘tadi. (Manzil: Buxoro shahar, Muhammad Iqbol ko‘chasi, 11-uy, 200117. Tel.: (65) 221-29-14; faks: (65) 221-26-12; e-mail: bsu_info@edu.uz).

Dissertatsiya bilan Buxoro davlat universiteti Axborot-resurs markazida tanishish mumkin (№566 - raqam bilan ro‘yxatga olingan). Manzil: Buxoro shahar, Muhammad Iqbol ko‘chasi, 11-uy, 200117. Tel.: (65) 221-29-14; faks: (65) 221-26-12.

Dissertatsiya avtoreferati 2024-yil “21” dekabr kuni tarqatildi.

(2024-yil “21” dekabr dagi 7 raqamli reyestr bayonnomasi).



F.B. Ochildiyev
Ilmiy darajalar beruvchi ilmiy kengash raisi o‘rinbosari, tarix fanlari doktori (DSc), professor

A.T. Ochilov
Ilmiy darajalar beruvchi ilmiy kengash kotibi, tarix fanlari doktori (DSc), dotsent

K.R. Rahimov
Ilmiy darajalar beruvchi ilmiy kengash huzuridagi Ilmiy seminar raisi, tarix fanlari doktori (DSc), dotsent

KIRISH (falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi annotatsiyasi)

Dissertatsiya mavzusining dolzarbligi va zarurati. Jahon miqyosida kechayotgan globallashuv sharoitida keskin raqobat tobora kuchayib borayotgani, mojarolar, xavf-xatar va tahdidlar, qurolli bosqinlar, harbiy to'qnashuvlar avj olayotgan bir paytda millatlararo hamjihatlikni asrab qolish hamda barqarorlikni ta'minlash insoniyat oldidagi muhim masalalardan biri bo'lib qolmoqda. Har bir davlat oldida huquqiy sohada yuzaga keladigan nizolarni qonunda belgilangan tartibda hal etish hamda sud-huquq tizimini yanada barqaror va jadal sur'atlar bilan rivojlantirish uchun mutlaqo yangicha yondashuv va tomoyillar ishlab chiqish ehtiyoji yuzaga kelmoqda. Inson hayotiga xavf soladigan huquqbuzarliklarga barham berish hamda jamiyatda qonun ustuvorligini ta'minlash masalasi dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Dunyoning ko'pgina ilmiy tadqiqot markazlarida Turkistonda sovet hokimiyatining o'rnatilishi va birinchi milliy hukumatning bolsheviklar tomonidan tugatilishi, milliy siyosat natijalari, o'lkada o'tkazilgan milliy-hududiy chegaralanish, deportatsiya jarayonidagi o'nlab millatlarning majburan ko'chirilganligi hamda Stalin qatag'onlari kabi masalalar yuzasidan bir qator tadqiqotlar olib borilmoqda. Natijada, Turkiston ASSRdagi ishchi-militsiyaning tashkil etilishi, sovet davrida kechgan ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va madaniy jarayonlarga doir ma'lumotlar olindi. Biroq, Buxoro Xalq Sovet Respublikasida sud-huquq tizimi va nazorat organlarining faoliyati hamda mahalliy millat vakillaridan sohaga oid mutaxassis kadrlar tayyorlashdagi muammoli masalalari o'z yechimini kutmoqda.

Yangi O'zbekistonda amalga oshirilayotgan keng ko'lamlı islohotlarda sud hokimiyatining mustaqilligini to'la ta'minlash, adliya organlarining nufuzini ko'tarish, ko'rsatilayotgan yuridik xizmatlarni tizimlashtirish va raqamlashtirish, fuqarolarning huquqiy axborot olish erkinligini oshirish masalasi dolzarb qilib belgilangan¹. "Biz "Adolat – qonun ustivorligida" degan tamoyil asosida jamiyatimizda qonunga hurmat, huquqbuzarlik holatlariga murosasizlik hissini kuchaytirishga qaratilgan ishlarimizni jadal davom ettiramiz"². Bu boradagi o'zgarishlar huquqiy demokratik davlat va adolatli fuqarolik jamiyatni qurishda hamda o'ziga ishonchi mustahkam bo'lgan komil insonni tarbiyalashda dolzarb ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni, 2017-yil 21-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasi sud tizimi tuzilmasini tubdan takomillashtirish va faoliyati samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi, 2020-yil 24-iyuldagi "Sudlar faoliyatini yanada

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 16-yanvardagi PF-11-sonli "Odil sudlovga erishish imkoniyatlarini yanada kengaytirish va sudlar faoliyati samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni.

² Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкен: Ўзбекистон, 2017. – Б.110.

takomillashtirish va odil sudlov samaradorligini oshirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmonlari va 2018-yil 13-apreldagi PQ-3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 15-fevraldagi 124-son “Adliya organlari va muassasalarining moddiy-texnika bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori hamda sohaga oid boshqa normativ-huquqiy hujjatlar belgilangan vazifalarni amalga oshirishda mazkur tadqiqotga muayyan darajada xizmat qiladi.

Tadqiqotning respublika fan va texnologiyalari rivojlanishning ustuvor yo‘nalishlariga mosligi. Mazkur tadqiqot ishi respublika fan va texnologiyalari rivojlanishining I. “Axborotlashgan jamiyat va demokratik davlatni ijtimoiy, huquqiy, iqtisodiy, madaniy, ma’naviy-ma’rifiy rivojlantirishda innovatsiyon g‘oyalar tizimini shakllantirish va ularni amalga oshirish yo‘llari” dasturining ustuvor yo‘nalishiga mos keladi.

Muammoning o‘rganilganlik darajasi. Buxoro Xalq Sovet Respublikasida sud tizimi va nazorat organlari faoliyati tarixiga bag‘ishlangan tadqiqotlarni xronologik jihatdan shartli ravishda uch guruhga bo‘lish mumkin. Birinchi guruhga sovet hokimiyati yillarida nashr etilgan tarixiy adabiyotlar; ikkinchi guruhga mustaqillik yillarida amalga oshirilgan tadqiqotlar va uchinchi guruhga xorijda nashr etilgan asarlar kiradi. Sovet hokimiyati yillarida ko‘plab asarlar yaratilgan bo‘lsa-da, ularning hammasini ham tadqiq etiladigan muammo yuzasidan xolis deb bo‘lmaydi. Mazkur tadqiqotlarda g‘oyalar kommunistik ruhni aks ettirsa-da, asarlardagi dalillarning ko‘pligi va muammoga yondashuv uslublari tadqiqot tarixshunosligida hamda tarixini o‘rganishda muayyan darajada xizmat qiladi.

Dissertatsiyaning birinchi bob ikkinchi paragrafida mavzuning tarixshunoslik masalasiga kengroq to‘xtalib o‘tilgan.

Tadqiqotning dissertatsiya bajarilayotgan oliy ta’lim muassasasining ilmiy tadqiqot ishlari bilan bog‘liqligi. Dissertatsiya Buxoro davlat universitetining “O‘zbek xalqi va davlatchiligi tarixi (eng qadimgi zamondan hozirgacha)” nomli ilmiy-tadqiqot doirasida hamda Buxoro davlat universiteti huzuridagi “Qatag‘on qurbonlari ilmiy merosini o‘rganish” markazi tadqiqot ishlari rejasiga muvofiq bajarilgan.

Tadqiqotning maqsadi Buxoro Xalq Sovet Respublikasida sud-huquq tizimi va nazorat organlari faoliyatining mazmun va mohiyatini ochib berishdan iborat.

Tadqiqotning vazifalari:

BuxChK va Oliy harbiy inqilobiy tribunalning tuzilishi hamda uning oqibatlarini yoritish;

BXSRda huquqiy munosabatlarning o‘ziga xos xususiyatlari va saylov tizimi asoslarini ochib berish;

Buxoroda sovet boshqaruv tizimidagi sud muassasalarining tashkil etilishi va faoliyati masalalarini tadqiq etish;

sudlov muassalarining inqilob manfaatlarini himoya qiluvchi hamda bolsheviklarning jazolovchi organiga aylanishi jarayonlarni aniq dalillar asosida o'rganish;

jamoat xavfsizligini ta'minlashda qizil militsiyaning o'rnini tahlil qilish;

Adliya nozirligi tuzilmasida prokuratura organining tashkil etilishi va faoliyatini tadqiq etish;

nazorat organlari uchun kadrlar tayyorlash tizimi va undagi muammolar va sabablarni chuqur o'rganish;

tadqiqotning ilmiy xulosalari asosida tegishli taklif va tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Tadqiqotning obyekti sifatida Buxoro Xalq Sovet Respublikasida sud-huquq tizimi va nazorat organlarining faoliyati belgilab olindi.

Tadqiqotning predmetini BXSRda sud tizimi va nazorat organlarining jamiyat ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy va ma'rifiy jarayonlardagi muvozanatga ta'siri tashkil etadi.

Tadqiqotning usullari. Dissertatsiyada tadqiqotlar olib borishning tarixiylik, ilmiylik, tizimlilik, qiyosiy tahlil, tarixiy-xronologik, aniq tarixiy sharoitda raqam va dalillarga tayanish kabi metod hamda usullaridan foydalanildi.

Tadqiqotning ilmiy yangiligi quyidagilardan iborat:

Buxoro hududida bolsheviklar o'z hokimiyatini mustahkamlashda va harbiy, siyosiy ta'sirini kuchaytirishda BuxChK, "Inqilobiy" tribunallar, qizil armiya bo'linmalari, Diktatorlik komissiyalari, Davlat siyosiy boshqarmasi (ГПИУ), ishchi-dehqon militsiyasi kabi jazo muassasalari asosiy rol o'ynaganligi hamda ushbu nazorat organlariga harbiy jinoiy ishlardan tashqari bosqinchilik, bezorilik kabi ishlarni ko'rib chiqish ham yuklatilganligi asoslangan;

xalq qozilik sudlari fuqarolar tomonidan yo'l qo'yilgan jinoyat ishlarini ko'rish huquqiga ega bo'lganligi, mansabdorlarning jinoyatlari, davlatga qarshi jinoyatlar va harbiy jinoyatlarni Oliy harbiy inqilobiy tribunal ko'rib chiqqanligi hamda BXSRda qisqa vaqt mobaynida tashkil qilingan sovet sudlov organlari totalitar boshqaruv tizimining muhim bo'g'iniga aylanganligi dalillangan;

Ichki ishlar organlari shaxsiy tarkibida xodimlarning yetishmasligi natijasida aholi yashaydigan har bir mavzelnarni qo'riqlash uchun oqsoqollarning kuzatuv ostida xalq orasidan ko'ngillilar tanlab olinib, jamoat tartibini saqlash, aholining tinchligi va xavfsizligini ta'minlash ular zimmasiga yuklanganligi aniqlangan;

sovet hokimiyatining mustahkamlanishi sharoitida BXSR Adliya nozirligi tarkibida tashkil etilgan prokuratura organi qonunsizlikka, hokimiyatni suiiste'mol qilishga, xalq mulkini o'zlashtirishga va sho'rolarga qarshi faoliyatni bartaraf etish yo'lida kurashganligi hamda sinfiylik tamoyili asosida nafaqat aybdorlarni jazolash, balki aholini proletariat qonunchiligi ruhida tarbiyalashda katta o'rin egallaganligi aniqlangan.

Tadqiqotning amaliy natijalari quyidagilardan iborat:

Tadqiqot davomida Buxoro Xalq Sovet Respublikasi boshqaruv tizimi, sud-huquq muassasalari, Ichki ishlar va prokuratura idoralari haqidagi ilmiy

xulosalardan kelib chiqqan holda O‘zbekistonning sovet davri tarixi, Fayzulla Xo‘jayev, Usmonxo‘ja Po‘latxo‘jayev, Abdurauf Fitrat, Abdurahim Yusufzoda, Qori Yo‘ldosh Po‘latov kabi davlat va jamoat arboblarning faoliyatini o‘rganishda muhim bo‘lgan yangi ma‘lumotlar ilmiy muomalaga kiritilgan;

arxiv hujjatlari, davriy matbuot materiallari, tarixiy asarlarni tahlil qilish orqali O‘zbekiston tarixining eng ziddiyatli va murakkab davrlaridan biri bo‘lgan 1920 – 1924-yillarda sovet davlati yuritgan boshqaruv siyosati, Markazning sovet namunasidagi respublikalarga ta’siri kuchaygani, sud idoralari va nazorat organlarining tashkil etilishi hamda milliy kadrlarning bolsheviklar tomonidan tazyiq ostiga olinganligi bilan bog‘liq masalalarga aniqlik kiritilgan.

Tadqiqot natijalarining ishonchliligi: ishda tarix fani sohasidagi nazariy yondashuvlar va usullarning qo‘llanilgani, ko‘p turdagi birlamchi manbalar, arxiv hujjatlariga asoslanilganligi, xulosa, taklif va tavsiyalarning amaliyotda joriy etilgani, olingan natijalarning vakolatli tuzilmalar tomonidan tasdiqlangani bilan izohlanadi.

Tadqiqot natijalarining ilmiy va amaliy ahamiyati. Tadqiqot natijalarining ilmiy ahamiyati O‘zbekistonda sovet hokimiyatining totalitar siyosati natijasida davlat boshqaruvi, sud-huquq tizimi va sovet jazo muassasalarining inqilob manfaatlarini himoya qiluvchi organlarga aylatirilishi masalasini atroflicha tadqiq etish uchun imkon yaratadi.

Tadqiqot natijalarining amaliy ahamiyati shundaki, Buxoro Xalq Sovet Respublikasida sud muassasalari, jamoat xavfsizligini ta’minlashda qizil militsiyaning o‘rni, nazorat organlari uchun kadrlar tayyorlash tizimi va undagi muammolar to‘g‘risidagi ma‘lumotlar hamda ilmiy xulosalardan O‘zbekiston tarixining sovet davri tarixi bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar o‘tkazishda, oliy o‘quv yurtlari, akademik litsey talabalari uchun darslik va o‘quv qo‘llanmalar yaratishda xizmat qiladi.

Tadqiqot natijalarining joriy qilinishi. Tadqiqot natijalarining joriy qilinishi. Buxoro Xalq Sovet Respublikasida sud-huquq tizimi va nazorat organlarining faoliyatiga oid ishlab chiqilgan ilmiy xulosa va takliflar asosida:

Buxoro hududida bolsheviklar o‘z hokimiyatini mustahkamlashda va harbiy, siyosiy ta’sirini kuchaytirishda BuxChK, “Inqilobiy” tribunallar, qizil armiya bo‘linmalari, Diktatorlik komissiyalari, Davlat siyosiy boshqarmasi (ГПЧ), ishchi-dehqon militsiyasi kabi jazo muassasalari asosiy rol o‘ynaganligi hamda ushbu nazorat organlariga harbiy jinoiy ishlardan tashqari bosqinchilik, bezorilik kabi ishlarni ko‘rib chiqish ham yuklatilganligi to‘g‘risidagi ma‘lumotlar O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi muzey fondini to‘ldirishda foydalanilgan (O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Ma’naviy-ma’rifiy ishlar va kadrlar bilan ta’minlash departamenti 2023-yil 17-noyabrdagi 2/2-1693-son ma‘lumotnomasi). Ushbu ilmiy natijalar va xulosalarning qo‘llanilishi O‘zbekistonning sovet boshqaruvi davridagi ichki ishlar organlari tarixining ayrim muhim nazariy muammolarining yechimi sifatida xizmat qildi;

Xalq qozilik sudlari fuqarolar tomonidan yo‘l qo‘yilgan jinoyat ishlarini ko‘rish huquqiga ega bo‘lganligi, mansabdorlarning jinoyatlari, davlatga qarshi jinoyatlar va harbiy jinoyatlarni Oliy harbiy inqilobiy tribunal ko‘rib chiqqanligi hamda BXSReda qisqa vaqt mobaynida tashkil qilingan sovet sudlov organlari totalitar boshqaruv tizimining muhim bo‘g‘iniga aylanib ulgurganligiga oid ma‘lumotlardan O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi “Qatag‘on qurbonlari xotirasi” davlat muzeyi “Turkiston Muxtoriyati hukumatining tugatilishi va sovet davlati qatag‘on siyosatining boshlanishi (1917-1924-yillar)” mavzusidagi 3-bo‘lim hamda “30-yillarning boshlaridagi siyosiy qatag‘onlar” mavzusidagi 6-bo‘limlarning muzey ekspozitsiyasini boyitishda foydalanilgan (O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi “Qatag‘on qurbonlari xotirasi” davlat muzeyining 2024-yil 8-oktabrdagi 247-son ma‘lumotnomasi). Bunday natijalar milliy manfaatlar yo‘lida begunoh qurbon bo‘lganlarning xotirasini tiklashda hamda yosh avlodni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi;

Ichki ishlar organlari shaxsiy tarkibida xodimlarning yetishmasligi natijasida aholi yashaydigan har bir mavzularni qo‘riqlash uchun oqsoqollarning kuzatuv ostida xalq orasidan ko‘ngillilar tanlab olinib, jamoat tartibini saqlash, aholining tinchligi va xavfsizligini ta‘minlash ular zimmasiga yuklanganligiga oid ma‘lumotlar O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi O‘zbekiston teleradiokanalining “Bedorlik”, “Ijod zavqi”, “Ta‘lim va taraqqiyot”, “Millat va ma‘naviyat” eshittirishlari ssenariysini tayyorlashda foydalanilgan (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O‘zbekiston teleradiokanali” davlat muassasasining 2023-yil 22-noyabrdagi 02-36-894-son ma‘lumotnomasi). Bunday natijalar teletomoshabinlarga sovet boshqaruvi davrida milliy istiqbolimiz yo‘lida kurashgan davlat arboblari, Ichki ishlar organlari tarkibidagi kadrlarning mashaqqatli hayot yo‘lini ilmiy asosda o‘rganishga xizmat qilgan.

Sovet hokimiyatining mustahkamlanishi sharoitida BXSReda Adliya nozirligi tarkibida tashkil etilgan prokuratura organi qonunsizlikka, hokimiyatni suiiste‘mol qilishga, xalq mulkini o‘zlashtirishga va sho‘rolarga qarshi faoliyatni bartaraf etish yo‘lida kurashganligi hamda sinfiylik tamoyili asosida nafaqat aybdorlarni jazolash, balki aholini proletariat qonunchiligi ruhida tarbiyalashda katta o‘rin egallaganligi to‘g‘risidagi ma‘lumotlar (“Buyuk ipak yo‘li” Buxoro viloyat madaniy-ma‘rifiy markazi tomonidan amalga oshirilgan “Buxoro amirligi qozixona mahkamasi tarixi” nomli ilmiy loyihani amalga oshirishda foydalanildi (“Buyuk ipak yo‘li” Buxoro viloyat madaniy-ma‘rifiy markazi Nodavlat notijorat tashkilotining 2024-yil 3-oktabrdagi № 27/01-son ma‘lumotnomasi). Berilgan ma‘lumotlar “Buxoro amirligi qozixona mahkamasi tarixi (XVIII asr o‘rtalari – XX asr boshlari) nomli kitobning ilmiy mazmunini oshirishga xizmat qildi.

Tadqiqot natijalarining aprobatsiyasi. Tadqiqot natijalari 8 ta ilmiy konferensiyalarda, shu jumladan, 4 ta xalqaro konferensiya hamda 4 ta respublika ilmiy-amaliy konferensiyalarida aprobatsiyadan o‘tgan.

Tadqiqot natijalarining e’lon qilinganligi. Dissertatsiya mavzusi bo’yicha jami 14 ta ilmiy ish chop etilgan. O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining doktorlik dissertatsiyalari asosiy natijalarini chop etish uchun tavsiya etilgan ilmiy nashrlarda 6 ta maqola, jumladan, 4 ta maqola respublika jurnallari va 2 ta maqola xorijiy jurnallarda e’lon qilingan.

Dissertatsiyaning tarkibiy tuzilishi va hajmi. Dissertatsiya kirish, uchta bob, xulosa, foydalanilgan manba va adabiyotlar ro‘yxati hamda ilovadan iborat. Dissertatsiyaning tadqiqot qismi 125 betni tashkil etadi.

DISSERTATSIYANING ASOSIY MAZMUNI

Kirish qismida tanlangan mavzuning dolzarbligi asoslanib, muammoning o‘rganilganlik darajasi tahlil qilingan hamda tadqiqotning maqsad va vazifalari, obykti va predmeti aniqlangan. Tadqiqotning ilmiy yangiligi va amaliy natijalari, olingan natijalarning ishonchligi asoslangan hamda ularning nazariy va amaliy ahamiyati, tadqiqot natijalarining amaliyotga joriy etilishi, ishning aprobatsiyasi va tarkibiy tuzilishi bo’yicha ma’lumotlar keltirilgan.

Dissertatsiyaning **“Buxoroda sovet tuzumini himoya qiluvchi organlarning tashkil topishi va mavzuning manbashunosligi hamda tarixshunosligi”** deb nomlangan birinchi bobda sovet nazorat organlari hisoblangan BuxChK va Oliy harbiy inqilobiy tribunalning tuzilishi hamda uning oqibatlari, mavzuning manbashunosligi va tarixshunosligi masalalari tahlili kabi masalalar yoritilgan.

1920-yilning 2-sentabrda bolsheviklar qurol kuchi bilan Buxoro amirligini ag‘darib, unga “Buxoro inqilobi” deb ta’rif berdilar. Aslida esa bu bosqinchilik, zo‘ravonlik bilan birovlar yer mulkini bosib olish, erkini oyoq osti qilishdan boshqa narsa emas edi. Mazkur “inqilob” Buxoro xalqining xohish-irodasiga zid ravishda qizil askarlar nayzasi kuchi bilan amalga oshirildi. Eski Buxoroda qizil armiyaning katta qismini saqlab turganiga qaramay sovet hokimiyatining mustahkamlanishi qiyin bo‘ldi. Bunga masjid va madrasalarga joylashtirilgan qizillarning beboshligi, talon-tarojlar va ularning boshqa jinoiy ishlari sabab bo‘ldi. Shaharda tez-tez otishmalar, yong‘in va portlashlar sodir bo‘lib turdi. Shuni inobatga olib bolsheviklar 1920-yil 4-sentabrdan Eski Buxoroda favqulodda holat joriy qildi va tartibni saqlash maqsadida favqulodda komissiya tuzish masalasini ko‘rib chiqdi³.

Xalq o‘rtasida qisqa qilib “ChK” deb nomlanadigan jazo tashkiloti Rossiya va Turkistondagi andaza asosida BXSR Nozirlar kengashining 1920-yil 4-sentabrdagi qarori bilan tashkil etildi. Buxoro Respublikasi hududida kechgan qurolli qarshilik harakatining yetakchilari va ularga xayrixoh bo‘lganlarni jismonan yo‘q qilish hamda sovet hokimiyatini mustahkamlashda BuxChK tayanch vazifani bajardi⁴.

Ushbu jazo organining vazifasi sho‘ro hokimiyatiga qarshi bosh ko‘tarishi mumkin bo‘lgan har bir fuqaroni aniqlash va uni jismonan yo‘qotish bo‘lgan. Mazkur tashkilotning raisi vazifasiga o‘zining “so‘l” qarashlari bilan tanilgan

³ Рашидов У., Рашидов Ў. Бухоронинг Россия билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлари тарихи (1900 – 1925 йй.). – Бухоро: Бухоро, 2013. – Б.98.

⁴ O‘z MA, 1713-fond, 1-ro‘yxat, 2-yig‘ma jild 7 – 8-varaqlar.

kommunistlardan Hoji Hasan Ibrohimov tayinlangan⁵. 1922-yilning iyul oyida BuxChK eski Buxoroda sovet tuzumiga qarshi bo'lgan yashirin milliy siyosiy tashkilotni topadi. Bu tashkilotga mavjud siyosiy tuzumga qarshi kurashayotgan firqalarni birlashtirish, istiqloqlolchilarni yarog'-asbob va o'q bilan ta'min qilish va "bosmachilar" foydasiga josuslik qilish aybi bilan tergov jarayoni boshlab yuboriladi. Tergov surishtiruv jarayonida ushbu milliy siyosiy tashkilotning a'zolari aniqlanadi. Uyushma rahbari Abdurahmon – amirning kuyovi, Abduaxatxon – amirning birodari, Mirza Bahrom amirning ilgarigi mirzosi bo'lgan⁶. BuxChKning qarori bilan uyushma a'zolaridan o'n kishi 1922-yilning 17-iyulida qo'rg'ondan tashqarida xalq oldida otib o'ldiriladi. Otilganlar orasida G'ijduvon inqilob qo'mitasining raisi bilan G'ijduvon ChKsining boshlig'i ham bo'lgan⁷.

1922-yil 22-yanvarda BXSРda Favqulodda diktatorlik komissiyasi tuzilgan. Unga "Konstitutsiyada ko'rsatilgan huquqlarni cheklash, uning bajarilishini to'xtatish, BXSР MIQ tomonidan chiqarilgan buyruqlarni bekor qilish", "umumiy sudlanuvdan ko'rilayotgan istalgan ishlarni olib, qayta ko'rib chiqish uchun harbiy tribunalning Muvaqqat bo'limiga berish", "sharqiy Buxoro hududida gumonlangan shaxsni mansabidan qat'iy nazar qamoqqa olish kabi cheklanmagan huquqlar beriladi⁸.

1920-yil 20-sentabrda BXSРda maxsus qaror asosida Oliy harbiy inqilobiy tribunal tashkil etiladi. Mazkur tribunal mahkamasining raisi Olimjon Oqchurin va kotibi Subhonqulov tayinlangani to'g'risida matbuotda xabar berilgan⁹. Oliy harbiy inqilobiy tribunal og'ir siyosiy jinoyat hisoblangan aksilinqilobiy harakatlarda qatnashish bilan birgalikda poraxo'rlik, mol-mulkni talon-taroj qilish, chayqovchilik, hujjatlarni qalbakilashtirish, sovet davlati hujjatlaridan boshqa maqsadlarda foydalanish, bezorilik va josuslik bilan bog'liq ishlarni ham ko'rib chiqqan.

BXSР Markaziy Ijroiya Qo'mitasi Prezidiumining 1921-yil 17-oktabrdagi qaroriga muvofiq Oliy harbiy inqilobiy tribunalning nomi Adliya xalq nozirligi qoshidagi harbiy tribunal deb o'zgartirilib, BXSР harbiy tribunalining nizomi tasdiqlanadi¹⁰. Mazkur harbiy tribunal hujjatlarda ko'proq inqilobiy harbiy tribunal (Реввоентрибунал) deb nomlanadi. Buxoro inqilobiy harbiy tribunali rais, ikkita a'zo va a'zolikka nomzoddan iborat tarkibdan tashkil topgan. Inqilobiy tribunal sudlari siyosiy jinoiy ishlarni hamda harbiy jinoiy ishlarni ko'rib chiqqan. 1922-yil 1-iyulda mazkur inqilobiy tribunal faoliyati BXSР Harbiy kengashiga topshirilgan. Shundan so'ng, ya'ni 1922-yil 14-oktabrdan e'tiboran inqilobiy harbiy tribunal Butunbuxoro MIQga bo'ysundirilgan¹¹.

⁵ Наимов Н. Маърифатга бахшида умр (Тарихий қисса) – Бухоро: “Дурдона”, 2018. – Б.126 – 127.

⁶ Бухорода яширин уюшма // Қизил байроқ. 1922 йил 11 август. 206-сон.

⁷ Бухорода яширин уюшма // Қизил байроқ. 1922 йил 11 август. 206-сон.

⁸ Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитратнинг Бухоро Халқ Жумҳурияти давлатчилигидаги ўрни / Вухоро Халқ Шо'рлар Ҷумҳуриятининг 100 Ҳиллигига бағ'ишланган Халқаро Симпозиум мақолалари . – Їстанбул: Кутлу Ҳаймеви ва (Ташкент: “Мумтоз” нашрийоти). 2021 – Б.119.

⁹ Олий инқилоб маҳкамасининг қарор ва пратаколи // Бухоро ахбори. 1920 йил 21 ноябрь. 8-сон.

¹⁰ О'з МА, R – 47-фонд, 1-ро'ухат, 106-иш, 7-варақ оғқаси.

¹¹ Ҳошимов С. Совет ҳокимиятининг ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917 – 1936 йиллар). – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 128.

1922-yil 18-dekabrda Butunbuxoro MIQ, Xalq Nozirlari Kengashi va BXSР Mehnat komitetlarining birlashishga yig‘ilishida BXSР inqilobiy tribunalining yangi nizomi qabul qilinadi¹². 1923-yil 4-yanvarda BXSР Harbiy revolyutsion sovetining buyrug‘i bilan inqilobiy harbiy tribunal BXSР Harbiy revolyutsion soveti ixtiyoriga olinadi¹³. 1923-yil 16-iyulda BXSР Xalq Nozirlar kengashining yig‘ilishida inqilobiy harbiy tribunal BXSР inqilobiy tribunali deb nomlanib, Adliya xalq nozirliги ixtiyoriga o‘tkaziladi. Butunbuxoro MIK va BXSР Xalq Nozirlar Kengashining 83-sonli 1924-yil 4-oktabrdagi qaroriga muvofiq esa 1924-yil 8-oktabrdan e‘tiboran BSSР inqilobiy tribunali tugatiladi¹⁴. Inqilobiy tribunallar tashkil qilinishidan to‘g‘atilgunga qadar ular tomonidan qo‘llaniladigan jazo turlari soni kengayib borgan. Keyinchalik ularga mahkumga nisbatan o‘lim jazosini qo‘llash huquqi ham berilgan.

Birinchi bobning ikkinchi paragrafi “*Mavzuning manbashunosligi va tarixshunosligi masalalari tahlili*” deb nomlanadi. Buxoro Xalq Sovet Respublikasida sud tizimi va nazorat organlari faoliyati tarixiga bag‘ishlangan tadqiqotlarni xronologik jihatdan shartli ravishda uch guruhga bo‘lish mumkin. Birinchi guruh – sovet hokimiyati yillarida nashr etilgan tarixiy adabiyotlar; ikkinchi guruhga mustaqillik yillarida amalga oshirilgan tadqiqotlar va uchinchi guruhda xorijda nashr etilgan asarlar kiradi.

Sovet davrida yaratilgan tanlangna mavzuga aloqador tarixiy adabiyotlar ham shartli ravishda ikki davrga ajratildi. Jumladan, birinchi davr, XX asr 20 – 30-yillarida yozilgan adabiyotlar hisoblanadi. Bunda mahalliy tarixchilar, ziyolilar va rahbar kadrlardan bo‘lgan Turar Risqulov, Fayzulla Xo‘jayev, Sadridin Ayniy, Nazir To‘raqulov, Muso Saidjonov¹⁵ hamda rus tarixchilari S.Muraveyskiy, I.Sols, G.Safarov va boshqalar¹⁶ tomonidan yozilgan adabiyotlarda tanlangan mavzuning ayrim jihatlari yoritilgan.

Sovet hokimiyati davrining ikkinchi qismi: XX asr 40-80-yillarida yaratilgan A.Aliyev, I.Alimov, V.Grishin, O.Eshonov, A.Gordiyenko, S.Zimanov, H.Inoyatov, I.Zokirov, A.Shukurov va boshqalarning tadqiqotlarida¹⁷ BXSР tarixi va uning

¹² O‘z MA, R – 47-fond, 1-ro‘yxat, 191-yig‘ma jild, 2-varaq.

¹³ O‘z MA, R – 47-fond, 1-ro‘yxat, 267-yig‘ma jild, 42 – 43-varaqlar.

¹⁴ Xo‘shimov S. Совет хокимиятининг Ўзбекистондаги катагон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917 – 1936 йиллар). – Тошкент: Akademnashr, 2018. – Б. 128 – 129.

¹⁵ Мусбюро РКП (б) в Туркестане. 1,2 и 3 Туркестанские Краевые Конференции РКП в 1919 – 1920 гг. С введением тов. Рыскулова. – Т.: Туркгосиздат, 1922; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть 1. 1917 – 1919 гг. – Ташкент: Узбекгосиздат, 1925; Садриддин Айний. Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халклари Марказий давлат нашриёти, 1926; Файзулла Хўжаев. Бухоро инкилобининг тарихига материаллар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926; Фитрат. Давраи хукмроним Амир Олимхон (Бо муқаддимаи А.Муҳитдинов). – Сталинобод, 1930.

¹⁶ Сольц И.К. Истории КПТ. Сборник “Три года Советской власти”. – Т., 1920; Сафаров Г.И. Национальная политика Советской власти // Три года Советской власти. Сборник статей. – Т.: Туркгосиздат, 1920; Унинг ўзи. Колониальная революция (опыт Туркестана). – Москва, 1921; Муравейский С.Д. Материалы по истории Октябрьской революции в Туркестане. – Т., 1922; Унинг ўзи. Очерки по истории революционного движения в Средней Азии. – Т., 1926; Бауман В. Борьба за власть Советов в Ташкенте. – Т., 1922; Гафуров Б., Прохоров Н. Падение Бухарского эмирата. К 20-летию советской революции в Бухаре (1920 – 1940 г.). – Сталинабад: Госиздат Таджикистана отдел политической литературы, 1940. – 96 с.

¹⁷ Алиев А. Улуғ Октябрь ва Бухоро халкларининг революционлашуви. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959; Алимов И. Аграрные преобразования в Хорезме и Бухаре (1920 – 1924 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1970; Гришин В.

nazorat organlari faoliyatining ayrim jihatlarini yoritilgan. Sovet hokimiyati yillarida ko‘plab asarlar yaratilgan bo‘lsa-da, ularning hammasini ham tadqiq etiladigan muammo yuzasidan xolis deb bo‘lmaydi. Mazkur tadqiqotlarda g‘oyalar kommunistik ruhni aks ettirsa-da, asarlardagi dalillarning ko‘pligi va muammoga yondashuv uslublari tadqiqot tarixshunosligida hamda tarixni o‘rganishda muayyan darajada xizmat qiladi.

Ikkinchi guruh, ya’ni mustaqillik yillarida D.Alimova¹⁸, F.Qosimov¹⁹, S.Inoyatov²⁰, Q.Rajabov²¹, Sh.Hayitov²², U.Rashidov²³, O.Rashidov²⁴ va K.Rahmonovlar²⁵ Buxoro Xalq Sovet Respublikasi tarixi bo‘yicha o‘z tadqiqotlarini olib borganlar.

Istiqloq davrida tadqiqotchilar A.Yermetov, D.Komolov, S.Xoshimov, F.Boboyev, O.Jaynarov, U.Hayitov, M.Allanazarov va boshqalar tomonidan himoya

Бухоро революциясида Қизил Армиянинг интернационал миссияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1973; Эшон О. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши (1920 – 1924 йиллар). – Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, Правда Востока” ва “Ўзбекистони сурх” нашриёти, 1955; Ўша муаллиф. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969; Ўша муаллиф. Файзулла Хўжаев (хаёти ва фаолияти ҳақида очерк). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1973; Гордиенко А. Создание народно-советского государства и права и их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. – Ташкент: Изд. САГУ, 1959; Зиманов С. От освободительных идей к советской государственности в Бухаре и Хиве. – Алма-Ата: Наука, 1976; Зокиров И. Становление и развитие Советского гражданского права в БНСР и ХНСР. – Ташкент: Фан, 1988; Шукуров А. Бухоро республикасининг РСФСР билан ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 1972.

¹⁸ Алимova Д., Голованов А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тайзиқ оқибатлари (1917 – 1990 й). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000 – 260 б; Алимova Д., Рашидова Д. Махмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. – Тошкент: Академия, 1999. – 53 б; Алимova Д. Жадидчилик феномени. – Тошкент: Akademnashr, 2022 – 272 б.

¹⁹ Қосимов Ф. Драма революции и правда истории (Формирование историографии советизации Бухары и Хорезма). – Бухара: “Бухоро”, 1996. – 89 с; Ушбу муаллиф. Истиклол ва тарихий хотира. – Бухоро: “Бухоро”, 2006. – 256 б.

²⁰ Иноят С. Бухорои шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси. – Бухоро: “Дурдона”, 2022. – 179 б; Ражабов Қ., Иноят С. Бухоро тарихи. – Тошкент: Тафаккур, 2016. – б.460; Иноят С., Ражабов Қ. Бухоролик қатагон қилинган уч буюк сиймо: тарих ва тақдир. 1-китоб. – Бухоро: Дурдона, 2023. – б.580; Иноят С., Ражабов Қ. Бухоролик қатагон қилинган уч буюк сиймо: тарих ва тақдир. 2-китоб. – Бухоро: Дурдона, 2023. – б.452; Иноят С., Ражабов Қ. Бухоролик қатагон қилинган уч буюк сиймо: тарих ва тақдир. 3-китоб. – Бухоро: Дурдона, 2023. – б.384.

²¹ Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодадалар (1917 – 1935 й). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000. – 35 б; Ушбу муаллиф. Бухоро Халқ Республикаси, монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920 – 1924 йиллар) //Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. № 2. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 149 – 158; Ушбу муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920 – 1924 йиллар). – Тошкент: Маънавият, 2012. – 144 б; Ушбу муаллиф. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). – Тошкент: “Yangi nashr”, 2015. – 240 б; Ражабов Қ. Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011.

²² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917 – 1991 йиллар). – Тошкент: “Abu matbuot-konsal”, 2008. – 208 б; Ушбу муаллиф. Усмонхўжа Пўлатхўжаев – миллий истиқлол курашчиси. – Бухоро, 2007. – 56 б; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ўзбекистон – бизга ҳам Ватан... – Бухоро, 2006. – Б.158; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К., Аҳмадов О. Бухоро ва бухорийларнинг жаҳоний шухрати. – Тошкент:Наврўз, 2020. – 208 б.

²³ Рашидов У. Бухоро Республикасида қаршилик ҳаракатининг биринчи босқичи. (1920 – 1922 йй). – Бухоро, 1996; Ушбу муаллиф. Бухоро Халқ Республикаси (1920 – 1924). – Бухоро: “Бухоро”, 2003.

²⁴ Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсати (1917 – 1938 йй.). – Тошкент: “Наврўз”, 2020. – 168 б. Ўша муаллиф. Файзулла Хўжаев миллий манфаатлар ва сиёсий курашлар майдонида. – Тошкент: “Muharrir”, 2020. – 196 б; Ўша муаллиф. Ўзбекистон худудида миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонидаги кураши (1917 – 1938 йй.). Монография. – Тошкент: “Muharrir”, 2022. – 280 б.

²⁵ Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920 – 1924). – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2012. – 176 б.

qilingan qator nomzodlik va doktorlik dissertatsiyalarda²⁶ Buxoroda sovet hokimiyatining o'rnatilishi, bolsheviklarning mustamlakachilik siyosati, mustabid tuzumga qarshi olib borilgan qurolli qarshiliklar va g'oyaviy kurashlar masalalariga to'xtalib o'tilgan. Shuningdek, Turkiston ASSR, Buxoro Xalq Sovet Respublikasi va Xorazm Xalq Sovet Respublikalarida sovet nazorat organlarining tashkil etilishi bilan bog'liq ayrim jihatlar yoritilgan.

Jumladan, A.Yermetovning nomzodlik dissertatsiyasida²⁷, shuningdek, O. Jaynarov tomonidan ko'plab arxiv hujjatlari, qimmatli materiallar va statistik ma'lumotlar asosida yozilgan dissertatsiyada²⁸ Turkiston ASSRda adliya tizimining shakllanishi, sovet boshqaruv tizimining mustahkamlanishida sud muassasalarining roli, viloyat adliya organlari faoliyati, inqilobiy tribunallar, prokuratura, advokatura va notariat idoralaridagi o'zgarishlar hamda ularning o'ziga xos xususiyatlari ilmiy tadqiq etilgan.

Shuningdek, mazkur dissertatsiyada Buxoro Xalq Sovet Respublikasining nazorat organlari bilan bog'liq umumiy ma'lumotlar berilgan.

²⁶ Ерметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918 – 1924 йй.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2006; Унинг ўзи. Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолияти тарихи (1925 – 1991 йй.): Тарих фанлари докт. (DSc) илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати – Тошкент, 2016; Комолов Д. Туркистон АССРда суд тизими тарихи (1917 – 1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2008; Унинг ўзи. Ўзбекистон суд тизими тарихи (1925 – 2020 йй.): Тарих фанлари докт. (DSc) илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати – Қарши, 2022; Абдуллаев А. Амударё бўлимида сиёсий-маъмурий бошқарув ва суд-хуқуқ тизимидаги ўзгаришлар (1973 – 1924 йй.): Тарих фанлари бўйича фалсафа докт. (PhD) илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати – Тошкент, 2018; Хошимиов С. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати (1917 – 1936 йй.): Тарих фанлари докт. (DSc) илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати – Андижон, 2022; Бобоев Ф. Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тарихи (1925 – 1935 йй.): Тарих фанлари докт. (DSc) илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати – Тошкент, 2022; Жайнаров О. Туркистон АССРда Адлия органлари фаолияти тарихи (1918 – 1924 йй.): Тарих фанлари бўйича фалсафа докт. (PhD) илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати – Тошкент, 2021; Ҳайитов У. Файзулла Ҳўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва унинг Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда туган ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа докт. (PhD) илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати – Бухоро, 2022; Алланазаров М. Бухоро Халқ Совет Республикасида амиллий раҳбар арбоблар ва кадрлар фаолияти (1920 – 1924 йй.): Тарих фанлари бўйича фалсафа докт. (PhD) илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати – Термиз, 2022; Шоев И. “XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигида ҳуқуқий тизим тарихи”. Тарих фанлари бўйича фалсафа докт. (PhD) илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати – Бухоро, 2023.

²⁷ Ерметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918 – 1924 йй.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент, 2006. – 159 б.

²⁸ Жайнаров О. Туркистон АССРда Адлия органлари фаолияти тарихи (1918 – 1924 йй.): Тарих фанлари бўйича фалсафа докт. (PhD) илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент, 2021. – 154 б.

Uchinchi guruhga mansub xorijlik tadqiqotchilar A. Xolid²⁹ P.Beirne³⁰, R. Butler³¹, B.Hayit³², A.Bodomchi³³ va boshqalarning asarlarida sovet tuzumiga qarshi istiqloqlolchilik kurashi, kommunistik partiya yakka hokimligining o‘rnatilishi va partiya saflarini tozalash baholanishida milliy kadrlarning tazyiq ostiga olinishi kabi masalalarning ba’zi jihatlari yoritilgan.

“Buxoro Xalq Sovet Respublikasida huquqiy munosabatlar va sud tizimi” nomli tadqiqotning ikkinchi bobida BXSReda huquqiy munosabatlarning o‘ziga xos xususiyatlari, respublikada sovet boshqaruv tizimidagi sud muassasalarining tashkil etilishi va faoliyati hamda sudlov muassasalarining inqilob manfaatlarini himoya qiluvchi va bolsheviklarning jazolovchi organiga aylanishi kabi masalalar tahlil doirasiga tortilgan.

1920-yil 6 – 8-oktabrda amirning yozgi saroyi – Sitorayi Mohi Xosada chaqirilgan Butunbuxoro xalq vakillarining I qurultoyida Buxoro Xalq Sovet Respublikasi tuzilganligi e’lon qilinadi. Butunbuxoro xalq vakillarining I qurultoyida BXSReda ma’muriy muassasalari va sho‘ro organlarining o‘zaro munosabatlari to‘g‘risidagi Nizom³⁴ qabul qilinadi. Mazkur nizom 38 moddadan iborat bo‘lib, unda BXSReda boshqaruv organlari, ularning tizimi va tayinlanishi, boshqaruv tarkibi va funksiyalari hamda davlat organlarining huquqlari, majburiyatlari belgilab berilgan³⁵. Shuningdek, mazkur nizomda BXSReda barcha davlat hokimiyati Buxoro xalqiga tegishli ekanligi, u davlatning oliy tashkilotchisi va ijrochisi hisoblanishi, o‘zining oliy hokimiyatini mahalliy boshqaruv organlari va ijro etuvchi organlarga bo‘linadigan turli boshqaruv organlari vositasida amalga oshirishi qayd etilgan³⁶.

Buxoro Xalq Sovet Respublikasida eng o‘tkir muammolardan biri oila va xotin-qizlar huquqi bilan bog‘liq masala hisoblangan. Bolsheviklar hokimiyatga kelgach, oila-nikoh munosabatlari sohasida yangi tizimni yaratish yo‘lida eski oilaviy munosabatlarni tugatishni lozim deb topadilar. 1917-yil 18-dekabrda “Fuqarolik nikohi va bolalar to‘g‘risida, fuqarolik holati aktlari kitobi haqida”gi dekret 1,5 oylik muhokamadan keyin qabul qilinadi. Cherkov nikohi bekor qilinib, dunyoviy nikoh belgilangandi. Nikohning asosiy sharti tomonlarning xohishi edi. 1918-yil 16-sentabrda MIK tomonidan “Fuqarolik holati aktlari: nikoh va oila, vasiylik huquqi

²⁹ Adeeb Khalid. Making Uzbekistan. Nation, Empire and Revolution in the Early USSR. – London.: Cornell University press, 2015. – 415 p. O‘sha muallif. O‘zbekiston tavalludi: ilk SSSR davrida millat, imperiya va inqilob. – Toshkent: Akademnashr, 2022. – 424 b.

³⁰ Beirne P. Revolution in Law: Contributions to the Legal Development of Soviet Legal Theory, 1917 – 1938. – Chicago: Taylor and Francis, 2017.

³¹ Butler R. Stalins Secret Police: A History of the ChEKA, OGPU, NKVD, SMERSH and KGB: 1917 – 1991 (Military Classics): – London: Amber Books, 2015.

³² Baymirza Hayit. Turkistandevletlerinin milli muvadeleleri tarihi. – Ankara.: Turk tarih kurumu vasimevi, 1995. Унинг ўзи. “Basmacılar” Turkistan Milli Muvadele Tarihi (1917 – 1934). – Ankara: TDV Yayınları, 1997. Унинг ўзи. Milli Turkistan hurriyet davasi.: – Ankara. AYK Atatürk Kultur Merkezi Baskanligi, 2004.

³³ Ali Bademci. 1917 – 1934 Turkistan Milli istiklal harakati korbasilar ve Enver Pasa. 1-жилд. – Anqara.: Istanbul, 2008; Унинг ўзи. 1917 – 1934 Turkistan Milli istiklal harakati korbasilar ve Enver Pasa. 2-жилд. – Anqara.: Istanbul, 2008.

³⁴ O‘z MA, 48-fond, 1-ro‘yxat, 13-yig‘ma jild, 1 – 2-varaqlar.

³⁵ O‘z MA, 48-fond, 1-ro‘yxat, 13-yig‘ma jild, 1 – 2-varaqlar.

³⁶ O‘z MA, 48-fond, 1-ro‘yxat, 13-yig‘ma jild, 1-varaq.

to'g'risida"gi kodeks tasdiqlanib, tomonlarning huquqlari bayon qilinadi. Nikoh yoshi erkakga uchun 18 va ayollar uchun 16 yosh etib belgilanadi³⁷.

BXSRda oila va xotin-qizlar huquqi bilan bog'liq muammolarni bartaraf etish borasida ma'lum ishlar amalga oshirilgan. Yosh qizlarni erta turmushga uzatish natijasida ular o'qish va hunar o'rganishdan mahrum bo'layotganligi tanqid ostiga olingan. Ayniqsa, qizlar 11 – 12 yoshda turmushga chiqarilayotgani bu illatga qarshi kurashish lozimligi matbuotda keng yoritilgan. Oila qurish va nikoh masalalarini hukumat doirasida rasmiy ravishda ko'rib, navbatdagi qurultoylar kun tartibiga kiritish zarurligi qayd etilgan. Buxoro ziyolilaridan biri Said Ahroriy matbuotda yozgan maqolasida ushbu muammoga to'xtalib o'tgan: "Gazeta orqali necha bor shikoyat etilgan bo'lsa-da uylanadigan er va xotinlarning yoshdagi nisbatlari, qizlarning necha yoshda erga berishlari, kundoshlarning mavqeyi va huquqlari to'g'risida biron qonun chiqarilmadi. Bu o'zgarish (inqilob)ga, vijdonga, xalqning turmushiga qarshi juda katta bir jinoyatdir. Xalqning hayotini adolatli hukmlar va mahkamalar bilan ta'min etish, Xalq Nozirlar Sho'rosi foydali va qat'iy bir qaror chiqarishi lozim. Bu qarorga ko'ra adliya nazorati qozixonalarni tekshirib yaxshi yo'lga solmoq uchun juda tezlik bilan dasturamallar tuzib ayrim hay'atlar chiqarishga tegishlidir"³⁸.

Buxoro Xalq Sovet Respublikasi tuzilgach, mamlakatda ikki xil sud tizimi joriy etiladi. Bular xalq qozilik sudlari va sovet sudlari hisoblangan³⁹. Rus manzilgohlari – Yangi Buxoro, Chorjuy, Termiz va Karkida esa 1917-yil noyabrdan boshlab sovet sudlari mavjud bo'lib, ular RSFSR qonunlari asosida ish ko'rar edi. Rus manzilgohlaridagi xalq sudlari faoliyati ustidan Adliya nozirligi nazorati o'rnatilgan. Agar ular ustidan shikoyat, norozilik va kelishmovchiliklar vujudga kelsa, Eski Buxorodagi Xalq qozilik sudlari ishlarni qayta ko'rib chiqqan. Buxoroda sovet hokimiyati o'rnatilgandan keyin darhol mahalliy revkomlar tomonidan 38 ta viloyat va tumanlarida xalq qozilik sudlari tashkil etiladi. 1924-yilning boshlarida ularning soni 57 tani tashkil etgan⁴⁰.

Sudlov organlari faoliyatining ichki nazorati uchun Adliya nozirligi qoshida "Hukm nazorati" – maxsus bo'lim tashkil qilingan. "Buxoro axbori" gazetasining 1922-yil 14-dekabrda sonida A.Yusufzoda Buxoro xalqiga murojaat qilgan. Murojaatda "Hukm nazorati" sho'basi 1922-yil 1-dekabrda o'z ishini boshlagani, agar biror qozi yoki sudyaning ishidan nohaqlik, poraxo'rlik, rishvaxo'rlik (sudxo'rlik) bo'yicha shikoyatlar bo'lsa, bu haqda Adliya nozirligiga ariza bilan murojaat qilish mumkinligi bayon etilgan⁴¹.

Xalq qozilari kengashi fuqaro adliyasi sudlov muassasalarining qarorlarini taftish qilish huquqidan foydalangan. Xalq qozilari kengashi Adliya nozirligi tomonidan tayinlangan va Umumbuxoro Markaziy Ijroiya Qo'mitasi tomonidan

³⁷ Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 411 – 412.

³⁸ Махмуд Саид Ахрорий. Адлияни ислоҳ этмак тўғрисида // Озод Бухоро. 1924 йил 6 февраль. 44-сон.

³⁹ О'з МА, 64-фонд, 4-ро'ухат, 1-йиг'ма jild, 10-varaq.

⁴⁰ Рашидов У., Рашидов Ў. Бухоронинг Россия билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлари тарихи (1900 – 1925 йй.). – Бухоро: Бухоро, 2013. – Б.100.

⁴¹ Шамсутдинов Р., Маҳкамов А. Абдурахим Юсуфзода – Бухоро Республикасининг бош прокурори // Адабиёт газетаси. 2023 йил 17 октябрь, 22-сон.

tasdiqlangan bitta doimiy rais, shuningdek Adliya nozirligi tomonidan tayinlanadigan Kengashning doimiy a'zolari, uchta xalq qozisidan iborat edi⁴².

1922-yil 2-iyulda Adliya xalq nozirligining maxsus qarori bilan BXSrdagi barcha qozilar va sudyalar alohida maxsus kiyim-bosh va guvohnomalar bilan ta'minlangan, ularning moddiy ahvolini yaxshilash bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqilgan⁴³. Xalq qozilik sudlari fuqarolar tomonidan yo'l qo'yilgan jinoyat ishlarini ko'rish huquqiga ega bo'lib, mansabdorlarning jinoyatlari, davlatga qarshi jinoyatlar va harbiy jinoyatlarni oliy harbiy inqilobiy tribunal ko'rib chiqar edi. BXSr hukumati mahalliy budjetdan musulmon qozilari sudi uchun 1923-yil 1-iyul holatiga ko'ra 824.366 rubl pul ajratilgan⁴⁴.

1923-yil BXSrd faoliyat ko'rsatgan ba'zi xalq qozilarning ismlari arxiv fondlarida saqlanmoqda. Masalan, Karmana viloyati xalq qozisi – Mulla Boboqul Hasanov⁴⁵, Xayrobod xalq qozisi – Mulla Hasan Abdusalomov⁴⁶, Rometan xalq qozisi – Mulla Sharif Usmonxo'jayev⁴⁷, Olot xalq qozisi – Niyozov Qurbon⁴⁸, Xargo'sh xalq qozisi – Muxtorxo'ja Bafoxo'jayev⁴⁹, Qoroulbozorda Bo'zachi xalq qozisi – Davlat Xudoyorov⁵⁰ va Zandana kenti xalq qozisi – Hasanxo'ja Buzrukxo'jayevlar⁵¹ respublikada mahalliy sud ishlari bilan shug'ullanganlar.

1923-yil oktabrda chaqirilgan IV Umumbuxoro qurultoyi BXSr sud organlarining sovetlashtirilishi ishida alohida muhim rolni o'ynagan. Syezd respublika sudlov muassasalarini yot elementlar – boylar va mullalardan tozalash, shuningdek sudlov hukumati organlarini inqilob manfaatlarining va mehnatkashlar ommasining himoyasiga jazolovchi organlar faoliyatini yo'naltirish va bu asosida adolatni amalga oshirishda ishchi dehqonlarning vakillarini jalb qilish orqali erishish bo'yicha qaror qabul qiladi⁵².

Oliy sudlov hokimiyati BXSr hududida "Sud tuzilmasi haqidagi Nizom"ning 5-moddasiga ko'ra Oliy sud tomonidan, hech qanday istisnosiz BXSr sudlov muassasalari tomonidan sud nazorati, okrug sudlari tomonidan jinoiy ishlarni kassatsion tartibda ko'rib chiqish, BXSr Oliy sudiga sud jarayonida birinchi instansiya sudi sifatida davlat ahamiyatiga ega jinoiy ishlar - Umumbuxoro MIKning alohida buyrug'iga, Oliy sud prezidiumi va plenumi, shuningdek, respublika prokurorining taklifiga asosan amalga oshirilgan⁵³.

BXSr oliy sudi – respublikaning oliy sudi prezidium, plenum va uchta – jinoiy, fuqarolik va intizomiy kollegiyadan iborat bo'lgan. Oliy sudning raisi va rais

⁴² O'z MA, 48-fond, 1-ro'yxat, 13-yig'ma jild, 10-varaq.

⁴³ Шамсутдинов Р., Маҳкамов А. Абдурахим Юсуфзода – Бухоро Республикасининг бош прокурори // Адабиёт газетаси. 2023 йил 17 октябрь, 22-сон.

⁴⁴ O'z MA, 64-fond, 4-ro'yxat, 1-yig'ma jild, 2-varaq.

⁴⁵ Buxoro VDA, 321-fond, 1-ro'yxat, 141-yig'ma jild, 1-10-varaqlar.

⁴⁶ Buxoro VDA, 321-fond, 1-ro'yxat, 135-yig'ma jild, 1-10-varaqlar.

⁴⁷ Buxoro VDA, 321-fond, 1-ro'yxat, 133-yig'ma jild, 1 – 7-varaqlar.

⁴⁸ Buxoro VDA, 321-fond, 1-ro'yxat, 136-yig'ma jild, 1 – 8-varaqlar.

⁴⁹ Buxoro VDA, 321-fond, 1-ro'yxat, 134-yig'ma jild, 1 – 8-varaqlar.

⁵⁰ Buxoro VDA, 321-fond, 1-ro'yxat, 138-yig'ma jild, 1 – 3-varaqlar.

⁵¹ Buxoro VDA, 321-fond, 1-ro'yxat, 139-yig'ma jild, 1 – 4-varaqlar.

⁵² Ишанов А. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.) – Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1955. – Б. 131.

⁵³ O'z MA, R – 64-fond, 1-ro'yxat, 10-yig'ma jild, 250 – 252-varaqlar.

o‘rinbosari bevosita Umumbuxoro Markaziy Ijroiya Qo‘mitasi tomonidan saylangan. Uning a‘zolari Adliya nozirligi ko‘rsatmasiga ko‘ra BXSР MIK tomonidan tasdiqlangan⁵⁴.

Mustabid sovet tuzumi “bo‘lib tashla, hukmronlik qil” shioriga amal qilgan holda 1924-yil O‘rta Osiyoda milliy-hududiy chegaralanishni o‘tkazdi va buning natijasida O‘zbekiston SSR tashkil topdi. Fayzulla Xo‘jayev rahbarligidagi O‘zbekiston SSR Inqilobiy qo‘mitasi zimmasiga sobiq Turkiston ASSR, Buxoro SSR va Xorazm SSRdan O‘zbekiston tarkibiga o‘tgan hududlarda bir-biridan farq qiluvchi sud mahkamlarini tugatish ham butun respublikada yagona sud tizimini tashkil etishdek g‘oyat mas‘uliyatli vazifa turar edi. 1924-yil 26-noyabrda O‘zbekiston SSR Inqilobiy qo‘mitasi yig‘ilishida Fayzulla Xo‘jayev adliya xalq komissari G‘oziyevga sud haqidagi me‘yoriy hujjatlarni muvofiqlashtirish bo‘yicha topshiriq bergan⁵⁵. Shu asnoda Buxoro SSR sud tizimi vakolatlari tugatilib, O‘zbekiston SSR tarkibiga kiritiladi.

Dissertatsiyaning “**BXSРda ichki ishlar hamda prokuratura organlarining tashkil etilishi va faoliyati tarixi**” deb nomlangan uchinchi bobida jamoat xavfsizligini ta‘minlashda militsiya organlarining o‘rni, Adliya nozirligi tuzilmasida prokuratura organining tashkil etilishi va faoliyati hamda nazorat organlari uchun kadrlar tayyorlash tizimi va undagi muammolar kabi masalalar yoritilgan.

